



ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА

АДОЛАТ

Ишлаб чиқариш

ЎЗИМИЗНИНГ САМАРҚАНД ЧОЙИ

Истеъмол бозоридаги талаб ва эҳтиёжларни ўрганиш асосида арзон ва сифатли маҳсулот ишлаб чиқаришни йўлга қўйган Самарқанд чой қадоклаш хорижий корхонаси бугун тўла қувват билан ишламоқда. Шу боис, жорий йилнинг ўтган ойида бу ерда салкам 1000 тонна чой қадоклашга муваффақ бўлинди. Бу йил бошидаги нисбатан уч баробар кўп демасдир.



Корхонанинг юксак сифат ва самарадорликка эришишида хорижий сармояларнинг жалб этилгани ва шу асосда барча техно-

нинг нархи четдан олиб келинаётган шу хилдаги чойларга нисбатан ўртача 10-15 фоиз арзон. Демак, сифати аъло, нархи нис-

батан арзон бўлган, харидор, албатта, ўзимизда ишлаб чиқарилганини танлайди.

Бозор рақобатига мос, омилкорона иш юритилиши туфайли 250 нафар ходими юқори маош билан таъминланган, дейди корхона директори ўринбосари Икром Турсунов. Шунинг баробарида, фабрикада меҳнат шaroитини яхшилаш билан боғлиқ кенг қўламдаги ободонлаштириш, таъмирлаш ишларини амалга оширдик.

Ха, Самарқанд чойи мустақиллик йилларида аввалги шухра-

тини қайта тиклаб бугун давраларга фойз киритмоқда. Ўз миллий маҳсулотимиздан фахрланиш ва уни барчага бирдек манзур этишга интилиш эса самарқандлик чой қадокловчиларга омад келтирмоқда.

Зохир ТўРАҚУЛОВ,
“Адолат” мухбири

Суратларда: чой қадокловчи Дилором Мусаева; Нафиса Бобоўжаева ва Шарофат Тошўхтаева корхона пешкадамларидан.

Муаллиф олган суратлар.

САМИМИЙ ҚУТЛОВЛАР

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Жаноб Президент,
Мамлакатингизнинг миллий байрами нишонланиши муносабати билан Жазаир халқи ва ҳукумати номидан ва шахсан ўз номидан Сизга қизгин табрикларимни, дўст ўзбек халқига эса доимий тараққиёт тилаб билдирган истакларимни йўллаш менга ҳузур бағишлайди.

Шу муносабат билан Жазаир ва Ўзбекистон халқларининг ўзаро манфаатлари йўлида мамлакатларимиз ўртасидаги дўстлик

ва ҳамкорлик ришталарини мустаҳкамлаш ва ривожлантириш учун Сиз билан биргаликда саъй-ҳаракат кўрсатишга қатъиятим борлигига Сизни яна бир бор ишонтиришдан мамнунман.

Президент Жаноблари, Сизга бўлган юксак эҳтиромимни қабул қилгайсиз.

Абдулазиз БУТЕФЛИКА,
Жазаир Халқ Демократик
Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мухтарам Ислон Абдуғаниевич,
Ўзбекистон Республикаси Мустақиллиги кун муносабати билан ғоят самимий қутловларимни қабул қилгайсиз.

Ушбу шонли байрам кунинда Сизга ва Ўзбекистон Республикасининг дўст халқига бахт-саодат, фаровонлик ва равақ тилайман.

Ишончим комилки, давлатларимиз ўртасида қарор топган аънавий дўстона муносабатлар бундан буён ҳам Арма-

нистон ва Ўзбекистон халқлари манфаати йўлида ривожланиб, чуқурлашиб бораверади.

Мухтарам Ислон Абдуғаниевич, фурсатдан фойдаланиб, Сизга бўлган ғоят юксак ҳурмат-эҳтиромимни яна бир бор изҳор этаман.

Эҳтиром ила,

Роберт КОЧАРЯН,
Арманистон Республикаси Президенти

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг миллий байрами муносабати билан Сиз, Жаноби Олийларига ўзининг самимий табрикларини йўллайм.

Сиз, Жаноби Олийларига сичат-саломат-

лик ва бахт-саодат, дўст ўзбек халқига доимий тараққиёт тилайман.

Эҳтиром ила,

Тамим бин Ҳамад Ол СОННИЙ,
Қатар Давлати валиаҳди

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислон Каримов Жаноби Олийларига

Мамлакатингизнинг Мустақиллик кун муносабати билан Бирлашган Араб Амирликлари халқи ва ҳукумати ҳамда ўз номидан Сиз, Жаноби Олийларига самимий табрикларимни изҳор этиш ва эзгу тилакларимни йўллашдан бениҳоят мамнунман.

Сиз, Жаноби Олийларига бахт-саодат, дўст ўзбек халқига доимий равақ тилайман.

Муҳаммад бин Рошид Ол МАКТУМ,
Бирлашган Араб Амирликлари Вице-президенти,
Бош вазири, Дубай амирлиги ҳокими

ХИТОЙ ПАРЛАМЕНТ ДЕЛЕГАЦИЯСИНING ТАШРИФИ

Мамлакатимизга ташриф буюрган Хитой Халқ Республикаси Умумхитой халқ вакиллари кенгаши Доимий қўмитаси раисининг ўринбосари Хэ Лули хоним раҳбарлигидаги делегация 6 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери Э.Халилов билан учрашди.

Мулоқот чоғида Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги

алоқалар барча йўналишларда, жумладан, парламентларaro ҳамкорлик соҳасида ҳам изчил ривожланиб бораётгани, бунда икки давлат раҳбарларининг учрашувларида эришилган келишувлар муҳим ҳуқуқий асос бўлиб хизмат қилаётгани алоҳида таъкидланди. Ўзаро муносабатлар стратегик шериклик тамойилларига мос тарзда жадал ривожланмоқда.

Учрашувда Ўзбекистон билан Хитой ўртасидаги парламентларaro муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболига доир масалалар муҳокама қилинди.

Шу кунини Хитой парламент делегацияси Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати Раисининг ўринбосари Ф.Мухиддинова билан ҳам музокара ўтказди.

(ЎЗА)

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИНING ҚОНУНЧИЛИК ПАЛАТАСИДА

6 сентябрь кунини Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг мажлисида депутатлар кун тартибига киритилган масалаларни қўриб чиқиши давом эттирилди.

«Жамоат фондлари тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунининг 24-моддасига қўшимча киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасининг Демократик институтлари, нодавлат ташкилотлар ва фуқароларнинг ўзини ўзи бошқариш органлари қўмитаси раисининг ўринбосари И.Толибов тақдим этди. Барча сиёсий партиялар фракцияларининг депутатлари иштирок этган ба-тафсил муҳокамадан сўнг Қонунчилик палатаси Қонун қабул қилди.

Аграр, сув ҳўжалиги масалалари ва экология қўмитаси раисининг ўринбосари У.В.Фоевнинг маърузаси бўйича депутатлар «Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини қўриб чиқди. Савол-жавоблар ва атрафича муҳокамадан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг асосий қоидаларини

маъқуллади ҳамда уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасининг Спикери ўринбосари, Меҳнат ва ижтимоий масалалар қўмитасининг аъзоси А.Шодмонов «Ўзбекистон Республикасида ногиронларнинг ижтимоий ҳимоя қилиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Муҳокама чоғида депутатлар аҳолининг муҳтож қатламларини қўлаб-қувватлашнинг ҳуқуқий негизини янада мустаҳкамлаш муҳимлигини таъкидлади. Депутатлар муҳокама жараёнида киритилган тақлифларни ҳисобга олган ҳолда қонун лойиҳаси концепциясини маъқуллади ҳамда уни биринчи ўқишда қабул қилди.

«Табиий монополиялар тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонунига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш ҳақида»ги қонун лойиҳасини Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси Ш.Абдуллаева тақдим этди. Муҳокама вақтида депутатлар томонидан ҳужжатни янада такомиллаштиришга қаратил-

ган бир қатор тақлиф ва мулоҳазалар билдирилди. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.

«Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексининг 19, 34 ва 71-моддаларига қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини ҳам Бюджет ва иқтисодий ислохотлар қўмитасининг аъзоси Ш.Абдуллаева тақдим этди. Савол-жавоблар ва бўлиб ўтган муҳокамадан кейин депутатлар қонун лойиҳасининг концепциясини маъқуллаб, уни биринчи ўқишда қабул қилди.

Қонунчилик ва суд-ҳуқуқ масалалари қўмитасининг аъзоси Ф.Комилов «Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 542-моддасига қўшимча киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳасини тақдим этди. Савол-жавоблардан кейин бўлган муҳокамада депутатлар жиноят-процессуал қонун ҳужжатларини янада такомиллаштириш муҳимлигини таъкидлади. Қонунчилик палатаси қонун лойиҳасини биринчи ўқишда қабул қилди.

(ЎЗА)

ТАРАҚҚИЁТНИНГ ЯНГИ БОСҚИЧИ

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси Спикери ўринбосари,
Ўзбекистон «Адолат» СДП Сиёсий Кенгаши биринчи котиби

Яқинда Ватанини севадиган ҳар бир фуқарода мустақил ривожланиш йилларида халқимиз эришган ютуқлардан фахр-ифтихор туйғусини уйғотувчи энг қадрли байрамимиз – Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигини нишонладик. Босиб ўтилган йўлимизга назар ташлаш асосида, ана шу тарихий воқеанинг улкан аҳамиятини, суверен мамлакатимиз ўн олти йил ичида нималарга эришганлиги ва нималардан холи бўлганлигини ёрқин аниқлай олдик. Мамлакатимиз Президентини Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирилар Маҳкамаси ва Президентини Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида айтилдики: «Биз мустақиллигининг илк кунларидан бошлаб ўз умрини ўтаб бўлган эски мустақил совет тизимидан воз кечиб, мамлакатимизда ижтимоий йўналтирилган бозор иқтисодиётига асосланган очик демократик давлат барпо этиш ва фуқаролик жамиятини шакллантиришга азму қарор қилдик».

Мамлакат мустақил ривожланишининг бошларидаёқ давлатимиз раҳбари раҳнамоллигида жамиятимизни ислоҳ қилиш ва янгилаш учун миллий қадриятларимиз, урф-одат ва анъаналаримизни сақлаб қолган ҳамда уларни янада мустаҳкамлаган ҳолда, демократик давлат қурилишининг жаҳондаги энг яхши тажрибасига асосланган, пухта уйланган стратегик дастур ишлаб чиқилди. Халқимиз ўзининг яратувчан-



лик ишларида ажодларимиз васият қилган адолат, эзгулик, бошқаларни ҳурмат қилиш, мададга муҳтож кишиларга ёрдам кўрсатишга шайлик каби маънавий қадриятларга таяниб иш кўражаклигини бутун жаҳонга исботлади.

Мустақил Ўзбекистон ўзининг янги тарихида – 1991 йилдан 2000 йилгача ва 2001 йилдан ҳозирги пайтгача бўлган даврда икки муҳим босқични босиб ўтди. Иккала босқич ҳам мураккаб, аммо жуда самарали бўлди, уларнинг ҳар бирида мамлакат мустақиллиги ва қудратини мустаҳкамлашга, келажаги буюк, равақ топаётган демократик давлатни қуришга қаратилган аниқ вазибалар ҳал қилинди.

Мамлакатимиздаги барча ислохотлар шунчаки ислохот учун эмас, балки инсон, унинг бахт-саодати

учун амалга оширилаётганини эсда тутиш муҳимдир. Бунинг тасдиқловчи мисоллар ҳамма нарсасида – шаҳар ва қишлоқларимизнинг янгилашган қиёфасида, муҳташам иншоотларда ва замонавий магистралларда, модернизациялашган анги-янги корхоналар ва ўқув юртлари очилишида, таълим, фан, маданият юксалишларида кўринди.

Бозор иқтисодиётини ривожлантириш, мулкдорлар синфини, кичик бизнес ва хусусий тадбиркорлик соҳасини шакллантириш, фермерлик ҳаракатини кенгайтириш, шунингдек, биринчи навбатда, аёлларнинг ишда бандлигига қўмақлашувчи касаначиликни авж олдириш борасидаги чора-тадбирлар оддий кишиларга гамхўрлик қилишга қаратилганлиги катта аҳамият касб этди.

(Давоми 2-бетда)

ФРАКЦИЯ ЙИҒИЛИШИ

ФАОЛИЯТГА ТАНҚИДИЙ НАЗАР, ТАШАББУСКОРЛИК ВА ИШЧАНЛИК ЗАРУР

Мамлакатимиз Президентини Ислон Каримовнинг Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси, Вазирилар Маҳкамаси ва Президентини Девонининг Ўзбекистон мустақиллигининг 16 йиллигига бағишланган қўшма мажлисидаги маърузасида айтилдики: «Биз мустақиллигининг 16 йиллик мустақил тараққиёт йўли»

маърузасида маърузаси эъйорларда кенг ўқиб ўрганилиб, юртдошларимизнинг қизгин фикр алмашинувларига сабаб бўлмақда.

Олий Мажлиси Қонунчилик палатасидаги «Адолат» СДП фракциясининг кенгайтирилган йиғилишида ҳам давлатимиз раҳбари маърузасида белгилаб берилган устувор йўналишлар ҳақида сўз юритилди, маърузадан келиб чиққан ҳолда «Адолат» СДП ҳамда унинг Қонунчилик палатасидаги фракцияси олдида турган муҳим вазибалар аниқ белгилаб олинди. Йиғилишда фракция аъзолари, маҳаллий Кенгашлар депутатлари, партия фаоллари ҳамда оммавий ахборот воситалари ходимлари катнашди.

Ўзбекистон тарихан жуда қисқа давр мобайнида катта тараққиёт йўлини босиб ўтди. Барча жаҳонда – ижтимоий-иқтисодий, маънавий-маърифий, сиёсий соҳаларда улкан ютуқларга эришилди. Йиғилишда таъкидландики, Юртбошимизнинг қўшма

(Давоми 2-бетда)



НОН КАДРИ

лар,
(ЎЗА)

ЁШ АВЛОД КАМОЛОТИ ЙЎЛИДА

Шу кунларда янги ўқув йилини кенг ва ёруғ синфларда бошлаган ўқувчиларнинг кўнгли чексиз. Зотан, уларнинг дўхти билим ва тарбия олишлари учун барча шарт-шароитлар муҳайё этилган. Ёш авлоднинг ҳар ҳафтадан баркамол шахслар қилиб юзга етказилиши мамлакатимизда амалга оширилаётган ислохотларнинг асосий йўналишларидандир. Шу боис ҳам янги ўқув максаплари қуриш, маъжудларнинг капитал таъмирдан чиқариш Истиқлол йилларидаги бунёдкорлик ишларининг қайноқ жабҳаларидан бирига айланди.

Юртимизда «2004-2009 йилларда мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури» доирасида ҳозиргача жами 3061 та умумтаълим мактабиди қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилди. Халқ таълими вазирлиги матбуот хизматидан олинган маълумотларга кўра, мазкур ишларга Мактаб таълимини ривожлантириш жамғармаси томонидан 333,7 миллиард сўм маблағ сарфланди. Қурилиш-таъмирлаш ишлари амалга оширилган ҳар бир таълим муассасасини замонавий ўқув-лаборатория ускуналари, компьютер техникаси, дарсликлар ва ўқув-методик жиҳозлар билан таъминлашга алоҳида эътибор қаратилмоқда.

Баркамол авлод таълим-тарбияси йўлида амалга оширилаётган бу эзгу ишларнинг 1045 таси қишлоқ, 245 таси шаҳар ҳамда 36 таси чекка ҳудудлардаги умумтаълим максапларида бажарилди. Мамлакатимизнинг олис қишлоқларида ҳам шундай

монавий биноларда ўқиш ширин орзу бўлгани айтиш ҳақиқат. Эндиликда кенг ва ёруғ ўқув-лаборатория хоналари, кутубхона, фанларга оид кўргазмалар ўқувчилар ихтиёрида.

Ўзбекистонда таълим соҳасида асрга татигулик ишлар амалга оширилганини кейинги йиллар ичида 143

қишлоқлардаги таълим муассасаларини замонавий талаблар асосида барпо этиш, уларда барча зарурий шарт-шароитларни яратиш мақсад қилиб қўйилган. Мамлакатимиз бўйича жами 2 888 311 нафар ўқувчиға мўлжалланган 8476 та мактаб биноларини тубдан янгилаш ва капитал реконструкция қилиш кўзда тутилган.

Биринчи галда, таълим тизими олдиға давлат томонидан қўйилган буюртма, фуқароларнинг таълимға бўлган эҳтиёжи ҳамда жаҳон андозалари асосида барча фанлардан Давлат таълим стандартлари қабул қилиниб, маълум муддат таъриба-синов сифатида таълим тизими жорий этилди, — дейди Халқ таълими вазирлиги ахборот хизмати масъул ходими Шерзод Аҳмедов. — Уларға асосан ўқув дастурлари, режаси ҳамда тендер-танлов асосида дарсликларнинг янги авлодини яратиш йўлга қўйилди. Ушбу йўналишларда олиб борилаётган ишлар мазмуни ва сифати йилдан йилға яхшиланиб бормоқда.

Албатта, мамлакатимизда халқ таълимиға кўрсатилаётган эътибор ва ғамхўрликлар ҳаммамиздан изланиши, бугун кечагидан кўра самаралироқ меҳнат қилишни тақозо этмоқда. Шу маънода муаллим ва мураббийларимиз, ёшлар тарбиясига маъсул кишиларнинг ўз кас-



блариға меҳр-муҳаббат, садоқат ошганини таъкидлаш лозим. Энг муҳими, ўқитувчи меҳнати кадр топмоқда. Бу ғамхўрликлар самараси ёшлар камолотида намоён бўлаётир. Давлат тест маркази томонидан ўтказилган мониторинг натижалариға кўра, 2005-2006 ўқув йилиға нисбатан абитуриентлар берган жавоблар самарадорлиги бу йил ўрта ҳисобда 17 фоизға ошган. Дарҳақиқат, яратилаётган шарт-шароитлардан унумли фойдаланаётган иқтидорли ёшлар халқроқ олимпиадаларда совринли ўринларни эгаллашмоқда. Чунки, жорий йилнинг июль ойида Вьетнам давлатининг Ханой шаҳрида ўтказилган 48-халқаро математика олимпиадасида 93 давлатнинг 522 нафар иштирокчиси орасида олти нафар ҳамюртимиз

Фарҳод ЭСОНОВ,
«Адолат» муҳбири

Болалар спорти

“СУВ ПАРИСИ” – НАФОСАТ КЎРИГИ

Самарқанддаги “Дельфин” сув спорти саройида Ўзбекистон Республикаси мустақиллигининг 16 йиллигиға бағишлаб “Адолат” СДП вилоят Кенгаши соврини учун мусобақа ўтказилди. “Сув париси” деб номланган ушбу беллашувда 70 га яқин ёш спортчилар узунликка сузиш ва синхрон сузиш бўйича ўз маҳоратларини намоиш этиш учун тўпландилар.

Байрамона безатилган “Дельфин” саройидаги мусобақа иштирокчиларини дастлаб “Адолат” СДП вилоят Кенгашининг иккинчи котиби Хайдар Исмолов қўлаб, мамлакатимизда спортни ривожлантириш борасида амалга оширилаётган эзгу ишлар ҳақида алоҳида тўхтади.

Сўнгра “Сув париси” баҳсларининг ғолибларини аниқлашға киришилди. Ҳакамлар бўлати нафосат, гўзаллик ва маҳорат бобида энг яхши деб топилган самарқандлик Елена Бекназаровани биринчи, Мадина Мироманова ва Баҳора Козимовани иккинчи, учинчи ўринларға лойиқ деб топилди.

Мусобақа ғолиблари ва иштирокчилариға “Адолат”




СДПнинг совринлари ва эсдалик совғалари топшилди.
Зоҳир ТЎРАҚУЛОВ,
“Адолат” муҳбири
Суратла: мусобақа иштирокчилари

ФАРҒОНА ЭКСПОНАТЛАРИ – ТАСВИРИЙ САНЪАТ ГАЛЕРЕЯСИДА

қилинди. Кўргазма Марғилон шаҳрининг 2000 йиллигиға бағишлаб ўтказилатган бўлиб, 5 сентябрдан 5 октябрга қадар давом этади.

Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи фонднинг сара асарларидан ташкил топган кўргазма ташкил



Ўзбекистон Тасвирий санъат галереясида Фарғона вилоят ўлкашунослик музейи фонднинг сара асарларидан ташкил топган кўргазма ташкил



Кўчаларни чангитиб тўп ўйнардик. Мен янги сотиб олган қора тўпимни ташлаганда, Вали усталик билан бир урган эди, тўп гиз этиб юқориланди-да, қайтиб кўчаға тушмади. Тўп ўйновчилар турган жойларда қотиб қолишди.


— Аҳ, қандай яхши тўп эди, Шокир ақаниннг боғчасига тушди-я. Эсиэзгина...

Фаттоҳ катталардек қўлини орқасига ташлаб:

— Тагин тушиб ўтирма, биласан-ку, Шокир ақаниннг феъллини, худди оёғининг синдиради, — деб насихат қилгандай бўлди. Болалар бирин-сирин тарқалиб кетишган эди. Мен ёлғиз қолгандим, ўйнаб тўймаган тўпимнинг алами ичимда ҳар минут сайин зўрайиб борарди. Фақат Шокир ақаниннг боғчасига кириш жуда кўрқинчли эди. Бир ярим танобча жойни эгаллаган боғча баланд деворлар ила ўралган, ичида ўрик, шафтоли, гилос, кўксултон, бодом ва шунга ўхшаблар. Бу мевалардан бирон донасини чет киши кўрмас ва кимға сотиладиганлигини-да ҳеч ким билмасди. Хатто анжир билан анор гулини тўкиб, кўзға иланидиган бўлганда, Шокир ака санаб

қўяди, деб гаплашарди маҳалладагилар. Мениннг қора тўпим, шубҳасиз, мана шу боғчада. Фақат қандай қилиб олиш мумкин? Шундай кишининг боғчасига тўп қидириб тушиш ҳазил гап эмасди. Мен кўп ўйладим, ахир тушишға қарор қилиб, қўлай бир жой ахтаришға бошладим. Жинк-ўчадан боғчаға кириб кетадиган ариқнинг омбори бир оз катта бўлиб қолган экан. Иштонимни тизсамға қадар кўтариб, омборға бош тикдим, ўтиш қийин бўлди, деворни қўлим ила увалаб тешикни катта қилдим-да, секингина ўтдим. Ўт орасига биқиниб ҳар ёққа қараб олдим, боғча жимжит...

Ранг-баранг гулларнинг устида жимжима кафасдаги саъва доналарни чўқир ва боғчани пойлаган каби ҳар ёққа тез-тез қараб қўярди. Бутун диққатимни кўзимға тўплаб қидиришға тутиндим, тўпимни омбордан 20-30 қадам нарида — ўт орасида топдим, кўнглим тинчиди. Қайтишға ҳозирландим, атрофға бир қараган эдим, деворға чирмашиб ўсган тоқнинг тагида Шокир ақаниннг қизи Гулнор опа ила Турди сартарош-



рихи 1897 йилға бориб тақалади. Ҳозирда музей фондида 80 мингдан ортиқ экспонатлар мавжуд. Улар ичида археологик топилмалардан ташқари, амалий санъат асарлари, Риштон ва Гурумсарой сопол тўпламлари, зарғарлик буюмлари, каштадўзлик намуналари ҳам кенг ўрин олган.

Шунингдек, музей фондида таниқли рассомлар М.Янцин, П.Никифоров, халқ артисти А.Волков ҳамда замонавий Фарғона мусавирларининг қизиқарли ранг-тасвир тўпламлари мавжуд.

Ўқтам ХУДОЙҚУЛОВ,
“Адолат” муҳбири

Н.ҲАЙДАРОВ олган суратлар.

Ойбек ГУЛНОРА ОПА

рўмоли етказида. Тўла оппоқ билаги Асаднинг бўйниға ўралган, дам Асаднинг чироили юзига қарайди, дам бошини йигитнинг кенг, кучли кўрагиға қўяди. Асад бир қўли ила Гулнор опаниннг белиға тушган қора сочларни сидар, юзларидан узилмаган гулли хидлаган каби секин-секин ўпар ва нималарнидир сўзларди.

Менга англашилмаган бир сирнинг оғирлиги кўрагимни сиқар, яшил ўтлар орасига қўмилган бошимда шу вақтгача яшири-

ниб ётган фикрлар учқунларан эди.

Кўчадан ўтган ҳар бир қизнинг паранжисидан тортиш, хатто ҳассаға суянган кампирларнинг банданини бошиға илишдан завқ олувчи тўполончи кўнглим бун-

ДОНОЛАР БИСОТИДАН

Худбинға насихат қиладиган одамнинг ўзи насихатға муҳтождир!

Кимки қудратли бўлган даврда яхшилик қилмаса, бошиға иш тушганида машаққат кўради.

Бировнинг кўнглини ранжитадиган хабарни эшитган бўлсанг, суқут қил, токи бошқа одам айтсин!

Чаёндан сўрадилар: “Нима учун қишда инингдан чиқмайсан?” Чаён жавоб берди: “Ёзда чиқиб нима обрў кўрдимки, яна қишда чиқсам!”

Ёмон билан юрган яхшилик кўрмайди.

Илм олиб амал қилмаган одам — ерни шудгорлаб уруғ сочмаган деҳқонға ўхшайди.

Жоҳил билан бахшлашган олим исзат умид қилмай қўя гурун. Башарти, жоҳил баҳсада олимдан устун чиқса, ажабланили ёри йўқдир. Чунки ҳамиша тош гавҳарни синдиради.

Шайх САЪДИЙ

РАЗОЛАТ БОТҚОҒИДА

Не-не орзу-умидлар билан Искандарнинг уйига келиб бўлиб тушган Раънонинг орзулари саробға айланди. Ҳаёт бошқа, орзу бошқа, деб шунга айтсалар керак-да.

...Такдир экан, оилада тўнғич фарзанд ногирон бўлиб туғилди. Чақалоқни туғруқхонадан олиб келишганиға бир ҳафта бўлма-сиданок Искандар: «Ногирон қиз туғдинг», дея хотинини дўппослади.

— Бу Оллохнинг иродаси. Мен нима ҳам қила олардим, — зор-зор йиғлади она шўрлик.

Лекин бу илтиҳолар отаниннг юрагини заррача юмшатмади. Ақинча, нобакор эр хотинини тез-тез дўппослайдиган одат қарди.

Не бахти, орадан бир йил ўтар-ўтмас Раъно яна қиз туғди. Оллохға шўқри, у соғлом эди. Лекин оиладаги ғавғолар тинчимади. Искандар хотиниға: «Сен яна қиз туғдинг. Нега бошқаларнинг хотини ўғил туғди», деган иддаларини, шу бахона қалтаклашларини қўймади. Жанжал қиққан уйдан фэйз-баракка кетаркан. Искандарнинг хонадонида ҳам оёсийшталик йўқолди — баракка кетди. Нихоят, бу шўрликларға чидай олмаган Раъно отасиникиға кетиб қолди. Маҳалла-қўй, қариндош-уруғларнинг аралашувида сўнг уйига қайтди ҳам. Бирок...

Ҳаёт сўқмоқларида

Раъно яна ҳомиладор бўлди. Қариндош-уруғлар унга Оллохдан ўғил тилашди. Чунки, оилада ўғил туғилса жанжалларға чек қўйилади, дея умид қилишди. Аммо, бандасининг эмас, Оллохнинг айтгани бўларкан. Такдирни қарангки, тагин қиз туғилди. Энди оила жанжалнинг ҳақиқий уйсига айланди. Разолат ботқоғиға ботган Искандар хатто бир куни кечқурун хотинини қалтаклаб, беозор гўдак ётган бешикни тегиб юборди. Бундай ҳўрлик, ҳақоратлар Раънонинг жон-жонидан ўтиб кетди.

...Майрам момонинг ваҳимали чинқирғи қўни-қўнларини сергақ тортирди, ҳамма Искандарнинг ҳовлиси томон югурди. Не кўз билан қўришсинки, Раъно ўзига ўт қўйган эди.

Жинойят ишлари бўйича Косон туман судининг сайёр очик суд мажлисида Искандар Рўзиевининг қилмиши кўриб чиқилди. Хотинини доимо ҳўрлаб келгани оқибатида унинг ўлимиға сабабчи бўлган Искандар бу қилмиши учун қонуний жазосини олди. Ақилларис, уч нафар фарзанд қалбида отасининг қилмишлари битмас яра, изтироб бўлиб қоладиган бўлди.

Тоҳир АБЗАМОВ,
Республика Бош прокуратураси бўлам прокурори

XX аср ўзбек ҳикояси

тикилиб қаролмасди, майдонға кирганда атлас қўйлагининг икки энгини шимарди, кумуш билагузқулларини ҳам юқорироқ суриб қўйди-да, тийрак бир товуш ила:

— Бадал, опоси, тагин ҳалигини бировға айта кўрма, — деди.

— Нимани, Гулнор опа?

— сўрадим.

— Халиги... Мен товущингдан билдим. Нимаға боққа тушган эдинг?

— Тўпимға...

— мен қўйлагимнинг энгини тишлаб ҳеч нарса билмаган кишидек турар эдим.

— Шундоқ кўрқиб кетдимки... Қўл-оёғим бўшашиб йиқилаётдим, — деди Гулнор опа.

Ийрик қора қўзларидан марварид томчилар унинг чироили юзига юмалаб туша бошламиш, узун киприклар намлинишди.

— Яхшики, уйдагилар эшитмаган. Ҳайри холанг мени худди ўлдирарди...

Кўёшнинг сўнг нурлари баланд дарахтларнинг учларида парларди. Боғчада қушлар шохдан-шохға ўтиб,

кечани ўтказиш учун ўнғай жой қидирарди. Қаршимда йиғлаб ва ялиниб турган Гулнор опа қалбимға ҳам гурур, ҳам алам соларди, Гулнор опани қандай қилиб ишонтиришни билмас эдим.

— Йўқ, энди ҳеч “Билиб олдим” демайман, ҳеч кимға айтмайман, ҳеч кимға йиғламай, Гулнор опа, йиғламай, — дедим. Товушимда ялиниш, ўтиниш бор эди.

Гулнор опа бирдан севиниб кетди, узун нозик бармоқлари ила юзларимни силлади: “Опоси-я, яхши укам ўзи”, — дея эркалади.

Нимчасининг чўнтагидан икки қанқим усти бир оз қирланган ҳамд олиб берди-да, ариқ бўйига келиб қўзларини ювди.

Майдондан ўтинларни ташиб бўлғач, Ҳайри холан “лиммо-лим” сутни олиб кўчаға чиқдим.

— Нега мунча ялинади, нега Ҳайри хола ўлдирарди”, — дея ўйлаб кетарканман, оқшом менға Гулнор опаниннг бахти, эрки каби бўш ва сирли кўринганди...

1930 йил, 5 октябр

Келинги, қулишамиз!

Эр-хотин жанжаллашяпти: — Сизға тежандан кўра алвастига текканим минг марта яхши эди...

— Афсуски, бунинг иложи йўқ. Яқин қариндошларнинг турмуш қуриши ман этилган.

Талаба ижараға олаётган уйнинг бекасига манзур бўлиши учун хушомад оҳангида дебди:

— Утган йили кетаётганимда бекам йиғлаб қолган эди...

— Менда бунақа бўлмайди! Ижара ҳақини олдиндан олиб қўяман.

— Тавба, мана бу йигитнинг кийган кийимига қаранг, ҳайрон қоласан киши!...

— Бу йигит эмас, мениннг қизим-ку!

— Вой, сиз дадасимисиз? Кечирасиз...

— Дадаси эмас, онасиман!

Қизи мактабдан қолғач онаси унга деди: — Қизим, сен билан нозик мавзуларда гаплашиб олишимизға фўрсат етди.

— Ҳўп бўлади, ойкжон. Нимани билишни истайсиз?

ADOLAT

ИЖТИМОИЙ-СИЁСИЙ ГАЗЕТА
МУАССИС: ЎЗБЕКИСТОН «АДОЛАТ» СДП СИЁСИЙ КЕНГАШИ

www.adolat.uz • E-mail: adolat_gazeta@mail.ru

Таҳрир хайъати

Дилором ТОШМУҲАМЕДОВА,
Иқбол МИРЗО,
Турсунали ҚЎЗИЕВ,
Турғунпўлат ДАМИНОВ,
Равшан ҲАЙДАРОВ,
Мамозир ХУҲАМБЕРДИЕВ,
Исмоил САЙФНАЗАРОВ,
Собир ТУРСУНОВ,
Шермат ШАМСИЕВ,
Светлана ОРТИҚОВА,
Мукаррамхон АЗИМОВА,
Жуманнўз АЛИБЕКОВ,
Камол АЛЛАЁРОВ
(Бош муҳаррир ўринбосари),
Татъат МУРОДОВ

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан рўйхатға олинган

Телефонлар: қабулхона — 136-53-14; факс — 133-40-86; котибият — 136-55-96; реклама бўлими — 133-41-89

Манзил: 700047, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.

Газета таҳририят компьютер марказида саҳифаланди

• «Адолат»дан кўчириб босиш фақат таҳририят рухсати билан амалга оширилади.
† — Тижорат мақолати белгиси.

Нашр индекси — 100

Навбатчи — Б.ТОШНАЗАРОВ
Саҳифаловчи — З.БАКИРОВ